

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Вилоят ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус



монтаж бўлими

Ф.Нормунинов

Қарши шаҳар

“18” ноябрь 2022 йил

Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими учун маъмурий ва ёрдамчи бино ва иншоотлари қурилиши учун лойиҳа смета хужжатларини тайёрлаш бўйича келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш бўйича доимий фаолият юритувчи хайъат йиғилишининг

### ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ:

Комиссия раиси ;

АЪЗОЛАРИ:

Бўлим бош ҳисобчи;

Бўлим муҳандиси;

Омбор мудир;

Бўлим механиги;

Иқтисодчиси;

О.Дустмуродов

Б.Қиличов

Ж.Қахрамонов

Н.Элмуродов

Х.Сувонов

Л.Кулдошева

### Кун тартибдаги қурилган масала

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрел кундаги 684-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2022 йил 3 май кунини ўтказилган йиғилишнинг 39-сонли баёни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари иштирокида 2022 йил 13 май кунини ўтказилган йиғилиш баёнининг 29б-бандида “Хавфсиз йўл ва Хавфсиз пиёда” Республика жамғармаси маблағлари ҳисобидан махсус эксплуатация-монтаж бўлинмалари бино ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишга рухсат берилсин” деб белгиланганлиги талабларига асосан товар-моддий бойликлар харид қилиш учун, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар махсус ахборот порталининг “Энг яхши таклифни танлаш” бўлимига 2022 йил 09 ноябр кунини № 22110012177955 сонли “Лот” рақами билан жойлаштирилди.

Қашқадарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими учун маъмурий ва ёрдамчи бино ва иншоотлари қурилиши учун лойиҳа смета хужжатларини тайёрлашни харид қилиш учун танлов эълон қилинганлиги, комиссия томонидан конкурда катнашган томонларнинг таклифлари ўрганиб чиқилиб, харид ижросини таъминлаш бўйича қўйидаги 4 та хусусий корхона ва МЧЖлар катнашганини эълон қилади, жумладан,

1. “Design master group” МЧЖ
2. "EFFEKT ARXITEKTURA QURILISH" МЧЖ
3. XIMTEX-INVESTKARSHI МЧЖ
4. М АРЖОНА УНИВЕРСАЛ ФАЙЗ ХК

лар томонидан тақдим этилган тижорат таклифлари ичидан энг яхшисини танлаш максатида хайъат аъзолари томонидан ўрганилди ва қуйидаги жадвалда кўрсатилди.

| № т/р | Товар-моддий бойликлар номи | Ў.л. бир. | Мислори | ЛОЙИҲАЧИЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ |                                    |                              |                              |
|-------|-----------------------------|-----------|---------|----------------------------|------------------------------------|------------------------------|------------------------------|
|       |                             |           |         | “ Design master group” МЧЖ | “ EFFEKT ARXITEKTURA QURILISH” МЧЖ | “ XIMTEX-INVEST KARSHI ” МЧЖ | “М АРЖОНА УНИВЕРСАЛ ФАЙЗ” ХК |
|       |                             |           |         | Жами нархи                 | Жами нархи                         | Жами нархи                   | Жами нархи                   |
| 1     | Маъмурий                    | ДОНА      | 1       | 55 000 000 сўм             | 55 000 000 сўм                     | 48 000 000 сўм               | 50 000 000 сўм               |

|  |  |  |                |                |                |                |
|--|--|--|----------------|----------------|----------------|----------------|
| ва ёрдамчи<br>бино ва<br>иншоотлар<br>и<br>қурилиши<br>учун<br>лойиҳа<br>смета |  |  |                |                |                |                |
| Жами ҚҚС билан қиймати   |  |  | 55 000 000 сўм | 55 000 000 сўм | 48 000 000 сўм | 50 000 000 сўм |

Жадвалда кўрсатиб ўтилганларни ҳисобга олиб, ҳамда таъминотчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган тижорат нархлари, сифати, шартномада келишилган муддатларда етказилиши, ҳар томонлама таҳлилдан ўтказилди.

Бюджет маблағлари ҳисобидан Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ МЭМ бўлими учун товар-моддий бойликлар харид қилиш бўйича ҳайъат раиси О.Дустмуродов, сўзга чиқиб, бюджет маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 май кундаги 39-сонли Баёни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбарининг 2022 йил 13 майдаги протоколининг 29 б-бандида “Хавфсиз йўл ва Хавфсиз пиёда” республика жамғармаси маблағлари ҳисобидан махсус эксплуатация-монтаж бўлинмалари бино ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишга рухсат берилсин” деб белгиланган талабларига мувофиқ сифатли ва арзон товар моддий бойликларни харид қилиш лозимлигини билдириб ўтди.

Ҳайъат аъзолари томонидан тижорат таклифларида кўрсатилган нархлар бўйича ғолиб ташкилотларни аниқлаш учун овоз берилди.

Ҳайъат аъзолари томонидан Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими учун зарур маъмурий ва ёрдамчи бино ва иншоотлари қурилиши учун лойиҳа смета ҳужжатларини тайерлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартларига тўғри келишини ҳисобга олиб, ҳайъат аъзолари бир овоздан Қарши шаҳрида жойлашган “**Design master group**” МЧЖ ғолиб деб аниқланди.

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Тижорат таклифларига мувофиқ етказиб бериш бўйича “**Design master group**” МЧЖ ғолиб деб белгилансин.

2. Баённома тасдиқлангандан сўнг белгиланган тартибда “**Design master group**” МЧЖ билан Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими учун маъмурий ва ёрдамчи бино ва иншоотлари қурилиши учун лойиҳа смета ҳужжатларини тайерлаш бўйича шартнома тузилсин.

3. Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ МЭМ бўлими ҳисобчиси томонидан шартнома асосида ғолиб таъминотчи ташкилот ҳисоб рақамига пул ўтказилиши амалга оширилсин.

Комиссия раиси ;

**АЪЗОЛАРИ:**

Бўлим бош ҳисобчиси;

Бўлим муҳандиси;

Омбор мудирини;

Бўлим механигини;

Иқтисодчиси;

О.Дустмуродов

Б.Қиличов

Ж.Қахрамонов

Н.Элмуродов

Х.Сувонов

Л.Кулдошева



Карши шаҳар

“21” 11 2022 йил

Буюртмачи бўлган кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталувчи "Қашқадарё вилоят Ички Ишлар Бошқармаси Жамоат Хавфсизлиги Хизмати Йўл Ҳаракати Хавфсизлиги Бошқармаси Махсус Эксплуатация Монтаж Булими" номидан Ф.Нормуминов, Низом асосида иш юритувчи бир тарафдан ва кейинги ўринларда “Ижрочи” деб аталувчи “Design master group” МЧЖ номидан Б.Саттаров, Низом асосида иш юритувчи иккинчи тарафдан, биргаликда «Тарафлар» деб аталувчилар Давлат харидлари электрон тизимида танлов ўтказилган электрон давлат хариди натижаси бўйича қуйидагича шартнома туздилар.

## 1. Шартнома мақсади.

Ушбу шартномага мувофиқ Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими учун маъмурий ва ёрдамчи бино ва иншоотлари қурилиши учун лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади. Уз навбатида «Буюртмачи» «Бажарувчи»ни керакли ҳужжатлар, маълумотлар билан таъминлаш, бажарилган ишлар учун келишилган маблағни тулаб берилишини таъминлаш ва ишларни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

«Бажарувчи» курсатиб утилган ишларни ушбу Шартнома ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан бажаради ва тугаллаб топширади.

## 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

### 2.1. «Буюртмачи» мажбуриятлари:

2.1.1 «Бажарувчи» га ишларни бажариш учун керакли маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш.

2.1.2 Бажариладиган ишлар учун «Бажарувчи» га ушбу Шартномада келишилган маблағни 30% ни иш бошлангандан сунг 5 кун ичида тулаб бериши.

2.1.3 Ишлар бажарилиши давомида кўзда тутилмаган қушимча ишлар бажарилиши лозим бўлганда «Бажарувчи» га қушимча ишлар харажатларини тулаб беради.

### 2.2. «Бажарувчи» мажбуриятлари:

2.2.1 Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими учун маъмурий ва ёрдамчи бино ва иншоотлари қурилиши учун лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш.

2.2.2 Ишларни ушбу шартномада келишилган 10 иш кунида тугаллаш.

### 2.3. «Буюртмачи» ҳуқуқлари:

2.3.1 Бажарилган ишларда айрим камчиликлар аниқланганда камчиликларни бепул қуриб чиқишни ва уларни бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

### 2.4. «Бажарувчи» ҳуқуқлари:

2.4.1 «Бажарувчи» бажарилган ишлари учун авторлик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолмайди.

2.4.2 «Буюртмачи» томонидан ишни бажариш учун маблағ ўтказилган муддатни эътиборга олган ҳолда ишларни бажарилиши муддатини қайтадан ўзгартириш мумкин.

### 3. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

3.1. Ишни тугаллагандан сунг «Бажарувчи» ишни (юк хағи) орқали «Буюртмачи»га топшириб, топшириш ва қабул қилиш далолатномасини тақдим этади.

3.2. Ишни бажариш ва қабул қилиш мобайнида қўшимча ишлар бажарилиши лозим бўлиб қолса ва бу иш қийматини ошишига олиб келса, ишни топшириш қўшимча қилишув асосида амалга оширилади.

### 4. Ишнинг нархи ва тўлов тартиби.

4.1. Шартнома буйнча бажарилган ишлар нархи давлат хариди электрон тизимида аниқланган ва у 55 000 000 (эллиқ беш миллион сум ) ҚҚС билан сўмини ташкил этади.

### 5. Томонларнинг жавобгарлиғи.

5.1. Ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлар бажарилмаганлиғи учун томонлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. «Буюртмачи» мазкур Шартномада курсатилган маблағни ўз вақтида тўлаб бермаган тақдирда кечиктирилган тўловнинг хар бир куни учун кечиктирилган тўловнинг 0,1 фоизи миқдорда пеня тулайди.

### 6. Бошқа шартлар.

6.1. Мазкур шартнома имзоланган пайтдан қучга кириб, барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар ўз қучини сақлайди.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхадан тайёрланган бўлиб, бир хил қучга эға. Бир нусхаси «Бажарувчи» да, иккинчи нусхаси «Буюртмачи» да сақланади.

### 7. Томонларнинг Юридик Манзиллари

#### БУЮРТМАЧИ

Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҲХБ МЭМБ  
Қарши шаҳри А.Навоий қучаси 42 уй

Ҳ/Р : 401010860104017031101179008

Банк:

МФО: 00014 ИНН: 304 988 681

Телефон: 99-332-33-77

Д/

С.Нормумишов




#### БАЖАРУВЧИ

“Design master group” МЧЖ  
Қарши шаҳри И. Қаримов қўчаси  
219 уй

Ҳ/Р: 20208000600338696001

Банк: Миллий банк Қарши ш  
МФО: 00150, ИНН : 302954472

Телефон: 99-332-33-39



Б.Сағторов